



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИДА МИЛЛИЙ РУХНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бекимбетова Дильфуза Оралбаевна

Қорақалпоғистон Республикаси Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7202474>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> October 2022  
Accepted: 05<sup>th</sup> October 2022  
Online: 14<sup>th</sup> October 2022

### KEY WORDS

Қадриятлар, глобаллашув, фуқаролик жамияти, ёшлар тарбияси, миллий рух, фаол фуқаролик позиция, маънавий кахрамонлик.

Жамият тариққийетининг муайян босқичларида ижтимоий ҳодисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигимизнинг биринчи кундан бошлаб, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида «қадриятлар», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ғурур», «миллий ифтихор» каби атамалар тез тез ишлатиладиган бўлди. Бу бежиз эмас. Зотан, мустақиллик айни пайтда, миллий тикланиш ҳамдир. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қадриятлар ҳалқимизнинг бебаҳо бойлиги, жамиятимиз, миллатимиз, давлатимиз тараққийетининг асосий омилларидан бири. Қадриятлар катта тарбиявий ахамиятга эгадир. Қадриятларнинг мохиятини билиш, уларга эътикод, ихлос куйиш ёшларда миллий гурур, ватанпарварлик, миллий бирдамлик ва хамжихатлик туйғусини шакллантиришда, инсонпарварлик,

### ABSTRACT

Маколада ҳозирги глобаллашув шароитида аҳолининг кенг қатламларида, айниқса ёшларда миллий ғояга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини, юксак маънавий-ахлоқий қарашларни тарбиялашнинг, уларда мафкуравий-маънавий иммунитетни шакллантиришнинг долзарблиги тўғрисидаги фикрлар билдирилган.

халоллик, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик фазилатларини камол топтиришда катта ахамиятга эга. Ёшларимизни маънавий жасорат руҳида тарбиялаш – мустақилликни асраб-авайлаш демакдир. Ватанпарварлик - уз ватанини виждонан севиш, унинг тараккиет йули ва истиклолини англаб олиш, манфаатларини ҳамма соҳаларда химоя қилишда фидоийлик намуналарини курсатишдир. Ҳозирги глобаллашув шароитида аҳолининг кенг қатламларида, айниқса ёшларда миллий ғояга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини, юксак маънавий-ахлоқий қарашларни тарбиялашнинг, уларда мафкуравий-маънавий иммунитетни шакллантиришнинг долзарблиги янада ошмоқда. Чунки жаҳонда ахборот ҳуружи, оммавий маданият ниқоби



остида мафкуравий-маънавий таҳдидлар тобора кучаймоқда.

Маънавият мамлакатимиз ва ёшларимизга қарши қаратилган шундай мафкуравий-маънавий хуружлар ҳамда ёвуз кучлардан ҳимоя қилишда қудратли куч саналади.

Миллий руҳ – бу енгилмас куч. Миллий руҳ кучли бўлса, ирода, жанговар салоҳият ҳам юқори бўлади. Келажакда ҳарбий бўлишни орзу қиладиган ботир фарзандларимиз миллий руҳни, муқаддас Ватан тақдири учун масъулият туйғусини қаердан олади? Ватанимиз бой тарихидан, Амир Темур, Жалололдин Мангуберди каби буюк аждодларимиз жасоратидан олади. Ўз оиласи, меҳрибон ота-онаси ҳамда эл-юртимизнинг ишончи, ғамхўрлиги ва эътиборидан олади. Ёшларга ҳамиша ўрнатилган ва намуна бўлиб келатган сиз каби чинакам фидойи ҳарбийлардан олади, – деган эди Президентимиз Шавкат Миромонович.

Мустақиллик туфайли маданий-маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди, халқимиз эзгу-ниятлари рўёбга чиқа бошлади, авлод-аждодларимиз босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлини, фаолиятини чуқур ўрганишга муваффақ бўлдик. Муқанна, Темур Малик, Мангуберди сингари миллий қаҳрамонларимиз ҳаёти билан танишиш имкониятига эга бўлдик.

Масалан, Соҳибқирон Амир Темур ва туркларнинг буюк султони Йилдирим Боязид билан узоқ йиллар давомида бир-бирларига мактуб юбориб туришган. Амир Темурнинг Йилдирим Боязидга ёзган иккинчи мактубида қуйидаги фикрлар бор эди: "Биз билан сулҳ тузиб, маъзурингни ифода қилган жавоб мактуби ёзсанг, сен билан

орамизда дўсту биродарлик ришталари боғланади. Натижада Франкка қулай фурсат бермаган бўласан, биз ҳам Сивасни тарк этиб, орқага қайтамиз! Бизни ҳам, аскарларимизнинг ота-боболари мусулмон бўлишган, улар мусулмонларнинг фарзандларидир".

Бу фикрлардан маълумки Амир Темур бошқа худудларни тўғридан тўғри босиб олиш эмас, балки сулҳ тузиб, дўсту биродарлик ришталарини боғлашга ҳаракат қилган.

Маълумки, мустақилликка қадар тарихий китобларда Темур даҳшат, жоҳиллик, босқинчилик тимсоли сифатида баён этилган. Шу ўринда савол туғилади, Амир Темур жоҳил, зулмкор, ёвуз ва босқинчи бўлган бўлса, нега унинг фаолияти, маслаҳатлари, ўғитларидан иборат бўлган асарларини ўз тилларига таржима қилиб, давлат бошқарувида фойдаланганлар? Масалан, Темур тузукларини 1783 йил француз тилига, 1785 ва 1791 йилларда ҳинд тилига, 1863 йил форс тилига, 1830 йил инглиз тилига, 1894 ва 1934 йилларда рус тилига таржима қилиниб чоп этилган. Бундан ташқари, давлат бошқарув тизимида Темур тузуклари кўпгина мамлакатлар учун дастури амал бўлиб хизмат қилган, шунинг учун улар "Темур тузуклари"ни ўз тилларига таржима қилиб, мустаҳкам давлат қуриш йўлини, бошқарувда нималарга эътибор қаратилишини соҳибқирон ўғитларига амал қилган ҳолда ўрганиб, давлат бошқарувида кенг фойдаланганлар.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъбирлари билан айтганда: "Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий



кошоналар қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони Каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди”.

Маълумки, жорий йилда Амир Темур таваллудига 685 йил тўлади. Бугунги ислохотларни кўриб, Амир Темурнинг “Куч-адолатда” ғоясининг барҳаёт ва бардавомлигини кўраман.

Биринчидан, Амир Темур Мовароуннаҳрнинг шон-шуҳратини дунёга танитди, илму фан, хунармандчилик, меъморчилик, санъат ва маданиятни мислсиз даражада ривожлантириб, Темурийлар ренессанси – уйғонишига асос солди;

Иккинчидан, Шарқ давлатчилигини юқори поғонага кўтарди, янги қонунлар ва тартиб-қоидаларни жорий этган ҳолда, ўғрилиқ, қароқчилик ва талончиликка барҳам берди;

Учинчидан, “Темур тузуклари” ҳуқуқий манба сифатида ўз давридаёқ амалда бўлган “Тузуклар”да давлат мансаблари, давлат хизмати, уларни ташкил қилиш улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар фақат юридик жиҳатдангина эмас, ахлоқий жиҳатдан ҳам эътиборга моликдир.

Амир Темурнинг “Куч-адолатда” – мамлакатни одиллик билан бошқариш лозимлиги, қаерда қонун ҳукмрон бўлса у ерда адолат бўлади, қонунийлик адолатга олиб келиши, ҳукмдорнинг ҳар бир амри, фармони – тўра ва тузук, одат ва қонун-қоидаларга таяниши,

қонунсизлик – куфр ва золимликни туғдириши, қонун олдида барча тенглиги, шариат, тўра ва тузукни бузганлик учун жавобгарлик ва жазо муқаррарлиги, кам аҳамиятли ва биринчи марта жиноят содир этган ва адолат истаганлар учун кечиримлилик бугунги кунда заррача ўз аҳамиятини йўқотмаган қадриятдир. “Темур тузуклари” ҳар биримизга фахр ва ғурур бахш этади.

Ҳозирги мураккаб таҳликали даврда ёшлар тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлиги ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишлари лозим, зеро келажак ёшлар қўлида эканлигини ҳеч қачон унутмасликлари, бизгача асраб авайлаб етиб келган миллий, маънавий меъросларимизни биздан кейинги авлодларга етказишлари лозимлигини яна бир бор унутмаслик керак.

Юқорида баён қилинганларни ёшларимиз онги ва руҳиятига сингдириш уларни маънавий жасоратга йўллайди.

Ёшларимизнинг вазифаси юқоридагилардан ибрат олиб, қўлга киритилган мустақилликни асраб авайлаш ва янада мустақамлашга ўз салоҳияти билан ҳисса қўшишдан иборат.

## References:

1. Фалсафа. Қомусий луғат. 2004.
2. Назаров Қ. Қадрият тизими: барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси (аксиологиянинг ижтимоий-фалсафий муаммолари).-Т., 1996.- Б.105
3. Абу Райхон Бериуний. Танланган асарлар, II- жилд 35- бет 1965- й